
Бағдодда янги ўқув биноларига эга 2 та мактаб фойдаланишга топширилди

Бағдод туманида 750 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноларига эга бўлган 2 та мактаб “Билимлар куни” арафасида фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкилланган тадбирларда туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов, соҳа фахрийлари ҳамда маҳалла жамоатчилиги вакиллари қатнашди.

Президентнинг “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, тумандаги 2 та (18- ва 42-) мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида **750 та** янги ўқувчи ўрни яратилиб, мавжуд **865** ўринли бино-иншоотлар мукамал таъмирланди. Бунинг учун 15 млрд. 976 млн. сўм йўналтирилди.

Тадбирларда сўз олганлар, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида, умумтаълим мактаблари учун янги замонавий бинолар қурилишига катта эътибор қаратилаётгани туфайли соҳадаги кўп йиллик муаммолар ҳал этилаётганини таъкидладилар.

- Ушбу мактабларда лаборатория, тўгарак машғулоти, дарсдан ташқари таълим тадбирларини ўтказиш учун етарлича шароит йўқ эди, - дейди туман халқ таълими бўлими мудир Дилфузахон Каримова. - Янги замонавий бинолар қурилиши, мавжуд бино-иншоотларнинг мукамал таъмирланиши билан таълим-тарбияни бугунги замон талаблари даражасига кўтариш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу хайрли ишда ташаббускор бўлиб бўлган барча инсонлардан ўқитувчилар ва ота-оналар беҳад мамнун.

Тадбир иштирокчилари янги қиёфадаги мактабларда яратилган шарт-шароитлар ҳамда 2022-2023 ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан танишдилар.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2022-09-03 13:05:49